

УДК:614.8.028.4:331.4

**ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИДА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ЖИХАТЛАРИ***Ортиқов Азим Ахрорович**Бухоро давлат тиббиёт институти: Ўзбекистон**Email: azim55968gmail.com*

**Резюме:** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими олдида ишчи-хизматчилар соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бирламчи вазифа қилиб қўйилган. Бундай тадбирларни амалга оширишда ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, ишчи ўринларини соғломлаштириш, оғир жисмоний меҳнатдан воз кечиш асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, ижтимоий иқтисодий, экологик омилларга таъсир этиш ва комплекс гигиеник тадбирларни амалга ошириш билан бундай ҳолатга эришилади.

**Калит сўзлар:** технологияни такомиллаштириш, соғломлаштириш, оғир жисмоний меҳнат, гигиеник тадбирлар.

**АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ И ПРОВЕДЕНИЯ  
ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ НА ПТИЦЕФАБРИКАХ.***Артиков Азим Ахрорович**Бухарский государственный медицинский институт: Узбекистан**Email: azim55968gmail.com*

**Резюме:** Перед системой здравоохранения Республики Узбекистан стоит первоочередная задача охраны и укрепления здоровья работников. В реализации таких мер главное место занимают совершенствование технологий производства, оздоровление рабочих мест, отказ от тяжелого физического труда. Такая ситуация достигается также за счет воздействия на социальные, экономические и экологические факторы и проведения комплексных гигиенических мероприятий.

**Ключевые слова:** совершенствование технологии, улучшение здоровья, тяжелый физический труд, гигиенические мероприятия.

**ASPECTS OF ORGANIZING AND CARRYING OUT PREVENTIVE  
MEASURES AT POULTRY FARMS***Artikov Azim Akhrorovich*

**Summary:** The healthcare system of the Republic of Uzbekistan faces the primary task of protecting and promoting the health of workers. In the implementation of such measures, the main place is occupied by the improvement of production technologies, the improvement of workplaces, and the abandonment of heavy physical labor. This situation is also achieved by influencing social, economic and environmental factors and implementing comprehensive hygiene measures.

**Keywords:** improvement of technology, improvement of health, hard physical labor, hygienic measures.

**Долзарблиги:** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими олдида ишчи- хизматчилар соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бирламчи вазифа қилиб қўйилган. Бундай тадбирларни амалга оширишда ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, ишчи ўринларини соғломлаштириш, оғир жисмоний меҳнатдан воз кечиш асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, ижтимоий иқтисодий, экологик омилларга таъсир этиш ва комплекс гигиеник тадбирларни амалга ошириш билан бундай ҳолатга эришилади.

Бунга паррандачилик комплексларида қонуний, технологик, техник, ташкилий режалаш, даволаш профилактик, санитар-гигиеник тадбирларни амалга ошириш, шахсий ва умумжамоа ҳимоя тадбирларини амалга ошириш, иш шароитини яхшилаш, умумий ва касб касалликларини олдини олиш чораларини кўриш билан эришиш мумкин [1274-1279].

Бундан ташқари моддий-демографик жараёнлар, атроф муҳит ва ишлаб чиқариш муҳитини чуқур илмий жиҳатдан текширишни тақозо қилади. Шунинг билан бир қаторда ҳудудларнинг санитар-эпидемиологик ҳолатини ўрганиш, буларнинг барчаси паррандачилик хўжаликларидида ишчилар соғлигини муҳофаза қилишнинг фундаментал профилактик тадбирларини ишлаб чиқишга замин яратади [229-234]

Биринчи ўрин тадбирлари ичида меъёрий ҳужжатларнинг (СанҚваН, қурилиш меъёрлари ва қоидалари) тўғри қонуний базасини яратиш паррандачилар соғлигини муҳофаза қилишни таъминлайди.

Технологик тадбирларга ишлаб чиқаришнинг хусусий механизациясидан кетма-кетлик автоматизациялашган технологиясига ўтиш, паррандалар озукасини тарқатишнинг автоматизациялашган усулига ўтиш, цехларни автоматизациялашган ҳолда тозалаш, микроклим ва бошқа технологик операцияларни бошқаришдан иборат. Масалан, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Канада мамлакатларида микроклим параметрлари, тухумларни йиғиш жараёнлари автоматизациялашган компьютер ёрдамида бажарилади.

Паррандачилик хўжаликларида техник тадбир сифатида сув таъминоти, канализация, хоналарни тозалаш, зарарсизлантириш, ахлатлардан тозалаш ва йўқ қилиш, инкубатория қолдиқларидан тозалаш, сўйиш цехи қолдиқларини йиғиш тадбирларини амалга оширишни тақозо қилади [74-79].

Паррандалар парваришlash цехларини тозалигини сақлаш, ҳаво алмаштириш тизимини сифатли ишлашини таъминлаш, паррандалар тўшакларини вақтида алмаштириш, ишчи ўринлари ҳавосида чанглар, турли газлар, микроблар микдорини камайтиришни таъминлайди [74-79].

Паррандачилик фабрикалари ва фермаларини қуриш ёки реконструкция қилишда қурилиш материалларини хавфсиз бўлиши, асосий ва ёрдамчи биноларни тўғри жойлаштириш, хоналарни тозалаш ва зарарсизлантириш қилишга тўлиқ шароит яратилганлигига эътибор бериш лозим [266-269].

Паррандачи – операторларни ишлаб чиқариш муҳитидан ҳимоялаш учун технологик жараёнларни бошқариш пультаини алоҳида хонада жойлаштириш лозим. Оператор хонасига кириш зарарсизлантирувчи ускунаси ўрнатилган тамбур орқали амалга оширилади. Паррандаларнинг ҳолатини ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш шиша билан қопланган барьер ва саноат телевиденияси орқали амалга оширилади [74,79,266,269].

Инкубатория цехларида алоҳида боксга жойлашган инкубаториялардан фойдаланиш ва ёруғлик ҳамда товуш сигналинини пулт орқали бошқариш тавсия этилади.

Тухумларни овоскоп орқали текшириш ва миранлаш қора юзада ҳамда қора халатда амалга оширилади. Жўжаларни сараловчиларнинг иш ва дам олиш тартибини яхшилаш мақсадида ҳар 2 соатда 40 дақиқа танаффус бериш лозим.

Оғир кўл меҳнатида бажариладиган участкаларда (жўжаларни саралаш, озуқа тайёрлаш ва тарқатиш, тухумларни саралаш) ишлаб чиқариш гимнастикаси, массаж ва гидропроцедураларни жорий этиш лозим [554-558].

Хоналарни зарарсизлантириш, экопаразитлар (кана, клопа, жун истеъмол қилувчи) ва кемирувчиларга қарши, физикавий ва кимёвий усулларни қўллаш: бактериоцид лампалар билан ёритиш, пестицидларни ишлатиш. Бундан ташқари ишчиларни иммунизация ва вакцинотерапия қилиш лозим [554-558].

Паррандачилик хўжаликларида ишчилар учун душ, кўл ювгичлар, дам олиш хоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир [74-79].

Шикастланишларнинг олдини олишда технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналарнинг ҳафсизлигини таъминлаш муҳимдир [74-79]. Биличенко Т.Н. [2014] ва А.А.Доблоларнинг [2005] фикрича, организмнинг резистентлигини ошириши. Кимёвий моддаларнинг заҳарли таъсирига қарши ишчиларнинг поливитами́нларни истемол қилиши муҳимдир [554-558].



Ишчиларни зарарли омиллардан муҳофаза қилишда уларни махсус кийим-комбинзон, қўлқоп, кўзойнаклар билан таъминланиши лозим [74-79].

Касал паррандаларни йўқотиш, қочган паррандаларни ушлаш, уларни иммунизация қилишга асосий эътиборни қаратмоқ лозим, улар микробларга қарши материал ва оёқ кийим билан таъминланиши лозим. Паррандачиларни ҳимоя кремлари ва пасталар билан таъминлаш муҳимдир [554-568].

Паррандачилар ўртасида умумий касалликларни камайтириш ва касб касалликларининг келиб чиқишини олдини олишда ишга киришишдан олдин дастлабки, кейинчалик даврий кўрикнинг аҳамияти беқиёсдир [231-234].

Паррандачилик фабрикаларида ишлайдиган ишчилар соғлигини доимий назорат қилиш, ишлаш ва дам олиш тартибини самарали ташкил этиш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ишчиларни зарарли омиллардан муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, уларнинг соғлигини санатория-курорт шароитида мустаҳкамлаш муҳимдир [231-234].

Паррандачилар ўртасида умумий касалликларни камайтириш ва касб касалликларининг олдини олишда ишчи ўринларни ўз вақтида ва шартли аттестациядан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавжуд адабиётлар маълумотларини таҳлил қилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодни қайта қуриш, янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишни бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучларни тўғри тақсимлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, юқори даромад олишни тақозо қилади.

Ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, ишчи ўринларида меҳнаткашларнинг соғлигига таъсир этадиган омилларни пайдо бўлишини камайтиришга олиб келади. Замонавий паррандачилик комплексларида паррандаларни парваришлаш, тухум ва гўшт етиштиришнинг янги технологик усуллари қўлланилмоқда. Ушбу технологияларнинг ҳар бир босқичида ишчилар организмига салбий таъсир этадиган омиллар пайдо бўлади. Буларнинг асосини ноқулай микроклим, юқори чанглик, ҳавони кимёвий моддалар ва микроблар билан ифлосланиши, шовқин, ишнинг оғирлиги ва жадаллиги ташкил этади.

Аммо, паррандачилик комплексларида турли касблар ва иш турларининг хавфлилик, оғирлик даражасини синфларга ажратишни бугунги замон талаблари асосида ҳамда физиологик-гигиеник нуқтаи назаридан баҳо бериш, ишчиларга таъсир этувчи зарарли омилларнинг тўлиқ миқдори, улар асосида ишчиларнинг касалланиши даражасини ҳамда ишчи ўринларини соғломлаштиришнинг илмий асосланган гигиеник тавсияларини ишлаб чиқиш етарли текширилмаган. Шунингдек, паррандачилик комплексларининг атмосфера ҳавосига ва улар атрофида яшайдиган аҳолининг санитар яшаш шароитига таъсири умуман ўрганилмаган.

Паррандачилик фабрикалари иш ўринлари газсимон моддалар, шахсан аммиак, водород сульфиди, карбонад ангидрид, азотли оксидларнинг меъёрдан ошиб кетиши, кислород микдорининг камайиб кетиши кимёвий омилларга киради.

Булар паррандалар ҳаёт фаолияти ва органик моддаларнинг (озуқа, тўшаклар, пар, ахлат) парчаланиши натижасида пайдо бўлади. Доимий пайдо бўладиган газларнинг микдори паррандаларнинг ёши, сақланиш шароити ва ҳаво алмаштиргичларнинг ишлаш самарадорлиги билан узвий боғлиқ [554-558].

Drager - 5600 аппарати ёрдамида назорат алоҳида иш жойларида танлаб амалга оширилади хонанинг марказида ва атрофида жойлашган нуқталардан. Ушбу нуқтада зарарли модданинг таркиби тавсифланади қуйидаги умумий намуна олиш вақти бўйича: токсик моддалар учун - 15 дақиқа, фиброгеник ҳарактерли моддалар учун - 30 дақиқа. Белгиланган вақт давомида бир ёки бир нечта кетма-кет намуналар мунтазам равишда олиниши мумкин.

Ҳавони ўрганиш икки босқични ўз ичига олади -намуна олиш ва уларни таҳлил қилиш. Ҳаводаги моддаларнинг нисбатан оз микдори (бир кубометр ҳаво учун миллиграмм ва миллиграмм фракциялари) мавжудлиги ва уларнинг ҳар хил агрегат ҳолати ҳаводан намуна олишга алоҳида гигиеник талаблар мавжуд. Синов ҳавосидан намуна олиш ишнинг энг муҳим қисмидир, чунки энг аниқ таҳлил натижаси нотўғри танланган намунада ўз маъносини йўқотади. Намуна олиш жараёнига қуйидаги талабларни, яъни ҳавонинг ҳақиқий таркибига мос келадиган намуна олиш ва аниқлаш учун керакли модданинг етарли микдори намунасида тўпланиши инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан келиб чиқан ҳолатда паррандачилик фабрикаларида асосан қуйидаги профилактик тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

-паррандачилик фабрикалари ва фермаларини қайта қуриш, реконструкция қилишда кетма-кетлик ва тўхтовсиз ишлашни таъминловчи технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаштириш, ишчиларни зарарли чанглар, газлар ва шовқин , юқори иссиқлик ҳамда намликдан ҳимоя қилиш, ёрдамчи ва санитар-маиший хоналарда оптимал ёруғлик режимини таъминлаш, ишчи ўринларини оптимал ташкил этиш;

-фабрикалар ва фермаларда паррандалар парваришлаш хоналарида ишчи ўринларининг заҳарли газлар, чанглар ва бактериял ифлосланишда максимал ҳимоялаш мақсадида ҳаво алмаштиргичларини самарали ишлашини таъминлаш, паррандалар тўшакларини тез –тез алмаштириш, паррандаларни тигиз жойлаштиришга йўл қўймаслик;

-иш жараёнининг оғирлиги ва жадаллигини пасайтириш, чарчокнинг олдини олиш, ишчилар иш қобилиятини юқори даражада сақлаш мақсадида икки смена

танаффусларини (биринчи тааффус соат 10<sup>00</sup> да), иккинчи танаффус 14<sup>00</sup> соатда) жорий этиш ва регламентлаш (шахсан паррандачи- операторлар, озуқа ишлаб чиқариш цехлари ишчилари учун) ;

-ишчилар ҳаёт фаолиятида ижобий ўзгаришни таъминлаш, улар соғлигини ўзлари муҳофаза қилишда ва юқори иш қобилиятини сақлашга қаратилган моддий мотивацияни таъминлаш бўйича гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш;

-ишчилар соғлигини муҳофаза қилишда уларни ҳар 6 ойда 100% тиббий кўрикдан ўтказиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб паррандачилик фабрикаси ва фермаси мисолида паррандачилик хўжаликлари иш шароитига гигиеник баҳо бериш, иш шароитининг ишчилар соғлигига таъсирини ўрганиш, корхоналарнинг атмосфера ҳавосига ва аҳолининг санитар ҳаётига таъсирини ўрганиб, илмий жиҳатдан асосланган профилактик тадбирларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқдир.

Ушбу вазифани ижро этишда Ўзбекистон Республикасининг жазирама иссиқ шароити инобатга олинади.

#### **Фойдананилган адабиётлар**

1. Ortikov A.A. Some hygiene issues according to the conditions of the workers of poultry farms // Asademicia an International Multidisciplinary Research Journal.Vol.11, Issue 3, -2021. –с 1274- 1279
2. Ortikov A.A. environmental and hygienic condition and estimation of the working conditions of workers of poultry farming economy// central asian journal of medical and natural sciences.- 2021.issn (o):2581-6934 -С 229-234.
3. Ortikov A.A. some hygienic issues on the working conditions of poultry farm workers.// bulletin of the doctor 99 (2),- PP.74-79
4. Ortikov A.A. Peculiarities of Agricultural Workers// central asian journal of medical and natural sciences.// Special issue in Covid-19-2021. –С 266-269.
5. Ortikov A.A. poultry farm as a source of environmental pollution// asademicia An International Multidisciplinary Research //Journal.Vol.11,Issue 11, -2021. С-554-558.
6. Zhumaeva Aziza Askarovna.Hygienic assessment of the movement of the insecticide seller in the soil layer// 50-55
7. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2 (1), - 2021. 46-56
8. A.A. Zhumaeva. Hygienic aspects of labor safety in industrial carpet weaving production// 2023. 64-69
9. А.А. Жумаева. Гигиеническая оценка условий труда в ковроткацком производстве, разработка профилактических мероприятий//Amaliyvatibbiyotfanlariilmijurnali 2 (2), - 2023. 231-234.



10. Kayumov, U. K., Abduhakimova, N. A., Hatamova, D. T., Saipova, M. L., & Ziyamukhamedova, M. M. (2019). Communication of a gout with the basic components of a metabolic syndrome. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 9(9), 73-78.
11. Каюмов, У. К., Хатамова, Д. Т., Саипова, М. Л., Бадритдинова, М. Н., Алимов, С. С., & Исмаилов, К. Я. (2007). Продолжительность болевого приступа у больных ишемической болезнью сердца при наличии отдельных компонентов метаболического синдрома. *Кардиология Узбекистана*, (3), 47-50.
12. A.A. Jumaeva, N.J. Ermatov, G.F. Sherkuziyeva. Hygienic assessment of the movement of insecticide in the soil layer // *Central Asian Journal of Medicine*. -2021/9 № 2, 37-47.
13. А.А. Жумаева, Т.Б. Тилавов, А.А. Саидов. Гигиенические вопросы при применении инсектицида Селлер в сельском хозяйстве // *TA'LIM VA RIVOJLANISH TANHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 26-33
14. А.А. Жумаева. Hygiene parameter primeneniya Insecticide Celler v selskom Khozyaystve // *Mejdunarodnaya nauchno-prakticheskaya conference. Bukhara*. -2020. 417-421.
15. А. А. Жумаева. Гигиена Труда В Ковроткаческой Промышленности, Прогноз И Профилактика Производственно Обусловленных Заболеваний // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI* 2 (5), 355-358
16. А.А. Zhumaeva. STUDY OF SANITARY AND HYGIENIC LABOR CONDITIONS IN CARPET PRODUCTION // *EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE* 3 (3), 65-68
17. Samandarovna S. K. IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON LIFE ACTIVITIES // *Neo Scientific Peer Reviewed Journal* // Volume 12, ISSN (E): 2949-7752, July, 2023. Page- 31–33.
18. Самадова Х. С. РОЛЬ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЭКОЛОГИИ В ОБРАЗЕ ЖИЗНИ // *Journal of new century innovations* // Volume–33, Issue-1, Iyul\_2023. 2023. С. 28-30.
19. ХС Самадова. ВОЗДЕЙСТВИЕ ВЫХЛОПНЫХ ГАЗОВ АВТОМОБИЛЕЙ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И ЧЕЛОВЕКА // *Scientific Impulse* // Vol. 2 No 14 (2023), С 466–469.
20. Samadova Khatichabegim Samandarovna The Problem of Environmental Pollution // *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences* // – 2022. – P. 81-85.
21. ХС Самадова., СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИДИР // *Journal of Advanced Research and Stability*, Volume:02 Issue:09 ISep-2022 ISSN:2181-2608 C198-201